



Х. ХОЛМАТОВ, Р. СОБИРОВ



БЕРУНИЙ
ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАР
ҲАҚИДА



№78

Х. ХОЛМАТОВ, Р. СОБИРОВ

633.88
X-724

БЕРУНИЙ
ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАР
ҲАҚИДА

бр. 24462/3

БИБЛИОТЕКА
Сам. ОХИ
гос. Самарканд



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ

Тошкент — 1973

↑

Холматов Х. ва Собиров Р.

Беруний доривор ўсимликлар ҳақида.
Т., «Ўзбекистон», 1973.

30 б.

И. Автордош.

Энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний ўз умрининг охирги йилларида «Ас-сайдона», яъни «Табобатда доришунослик» асарини ёзди. Унда ўша давр шарқ табобатида қўлланилган шифобахш ўсимликлардан 750 таси ҳақида фикр юритилади. Ҳозир Совет Иттифоқи территориясида бу ўсимликлардан 300 таси ўсади, шундан 40 таси яхши текширилган бўлиб, илмий медицинада кенг қўлланилмоқда. Улар давлат фармакопоясининг ўнинчи нашрига ҳам киритилган.

Китобчада мана шу ўсимликларнинг ҳозир қаерда ўсиши, ташқи кўриниши, кимёвий таркиби, қайси касалликка қарши қўлланилиши ва бошқа бир қатор масалалар ёритилган. Бундан ташқари, китобчада Берунийнинг ҳаёти ва ижодига доир қисқача лавҳалар берилган.

Китобча Абу Райҳон Беруний туғилган куннинг 1000 йиллик юбилейига бағишланган бўлиб, кенг китобхонлар оммасини Берунийнинг доришунослик соҳасидаги илмий мероси билан таништиради.

Холматов Х. п Собиров Р.

Беруний о целебных растениях.

X $\frac{5-3-2}{M 351}$ $\frac{136}{[06] 73}$

© «Ўзбекистон» нашриёти — 1973.

Ўзбек халқи ичидан ўрта асрда Хоразмий, Беруний, Ар-Розий, Форобий, Жағминий, Улуғбек каби олимлар етишиб чиқди. Улар аниқ фанлар соҳасида, айниқса математика, астрономия, кимё, минералогия, геодезия, медицина ва доришунослик соҳаларида мисли кўрилмаган янгилликларни қўлга киритиб, дунё фани тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Бу мутафаккирларимизнинг илмий мерослари барча қитъа олимлари томонидан ҳануз ўрганилмоқда ва турмушга татбиқ этилмоқда.

Юқорида номлари зикр этилган олимлар ичида Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси алоҳида диққатга сазовордир. У барча фанлар қатори табиёт фанларини чуқур билган, бу соҳада кўпгина илмий асарлар яратган. Беруний шарқ табобатида биринчи бўлиб доришуносликни мустақил фан даражасига кўтарган. Шунинг учун ҳам уни шарқда фармацевтикани фан сифатида асословчилардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Берунийнинг мана шу умуминсоний маданият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб КПСС Марказий Комитети 1973 йили бу олим тугилган кунини 1000 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети томонидан Беруний юбилейини ўтказиш республика комитети тузилди ва бир қанча тадбирлар маъқулланди. Бу эса социалистик маданиятимизни янада ривожлантириш йўлида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қилаётган кундалик ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Ушбу китобчани ёзишда, У. И. Қаримовнинг бир неча йиллар мобайнидаги илмий изланиши туфайли Берунийнинг «Ас-сайдона» асари асосида филология фанлари бўйича ҳимоя қилган докторлик диссертациясида берилган лотин тилидаги ўсимликларнинг рўйхати асос қилиб олинди.

БЕРУНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ЙЎЛИДАН ҚИСҚАЧА ЛАВҲАЛАР

Ўзбек халқи, жумладан хоразмликлар яратган илмий меросларнинг илдизлари узоқ ўтмишдан бошланади. Бу халқлар тарихида буюк олимлар етишиб чиққан бўлиб, Абу Райҳон Беруний ана шулар жумласидандир.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида (ҳижрий 362 йил 2 зулҳижжа) Хоразмнинг қадимий пойтахти Қот шаҳрида туғилди. Уша вақтда Хоразм мустақил давлат эди. У Ўрта ва Яқин Шарқнинг энг йирик илмий ва маданий марказларидан бири ҳисобланарди.

Беруний бошланғич таълимотни Хоразмда олади, чунки ўша вақтда Хоразмда фаннинг турли соҳаларида шуҳрат қозонган кўплаб олимлар яшар эди. Унинг илм-фанга қизиқиши ёшлигидан кучли бўлган. Шу сабабли фаннинг деярли ҳамма соҳалари билан шугулланади.

Беруний ўз она тили — ўзбек тилидан ташқари, яна бир қанча тилларни: араб, суғдий, форс, сураёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларни билар эди. Кейинчалик, Ҳиндистонда бўлган даврида у санскрит тилини ҳам ўрганарди.

Беруний ёшлигидан кўпроқ устози Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида, кейинчалик иккинчи устози бўлган табиб ва астроном, файласуф Абу Саҳл Исо ал-Масихийдан таълим олади.

Академик И. Ю. Крачковский Беруний тўғрисида: «...Бу олимнинг қизиққан соҳаларини санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларини айтиш осонроқ»¹, — деган эди.

Берунийнинг доривор ўсимликлар соҳасидаги илмий мероси ҳақида тўхтаганимизда, у ёшлик чоғидаёқ ўсим-

¹ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, 1955, М—Л., 247-бет.

ликлар дунёси билан қизиққанлигини қўйидаги сўздан билиш мумкин: «Уша вақтларда,— дейди у,— бизнинг томонларда бир румлик грек яшар эди, мен унга доим хилма-хил уруғлар, ўсимликлар, мевалар ва бошқа турли гиёҳларни келтирар эдим, кейин номларини ёзиб олиш мақсадида бу нарсалар уларнинг тилида нима деб аталшини сўрар эдим»¹. У яна ёшлик чоғларида Хоразм шаҳарларига ҳар хил дорилар ва доривор ўсимликлар келтириб юрувчи бир кекса туркман аттори билан танишганлиги ҳақида, ҳикоя қилади. Бу келтирилган далиллар Берунийнинг ёшлигидан бошлаб доривор ўсимликлар ва уларнинг турли миллат тилларидаги номлари билан қизиққанлигидан далолат беради.

Райҳон лақаби ҳам Берунийнинг ёшлиқдан ўсимликларга, гулларга қизиққанлигидан унга табиб устози ал-Масихий томонидан берилган энг сеvimли номдир.

Беруний ҳаётининг сўнгги йилларида жуда қийинчиликда кун кечиршига қарамай, унинг ижоди баракали бўлган. Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олгандан кейин (1017 йили) Берунийни ҳам ўзи билан Ғазна шаҳрига олиб кетади. Беруний Ғазна шаҳрида баракали ижод қилиб астрономия, топография, минералогия ва доришуносликка оид асарлар яратади.

Ғарб олими Макс Мейерхоф 1932 йили «Берунийнинг фармакология асарига сўз боши» номли мақоласида Ғазна Султонининг буйруғи билан Беруний Ғазнадаги энг катта шифохонанинг дорихонасида ишлаб касалларни дори-дармон билан таъминлаб турган, деб тахмин қилади.

Шундай қилиб, Абу Райҳон Беруний 11 декабрь 1048 йили (ражаб ойининг 2-куни 440 хижрий йил ҳисобида) Афғонистоннинг Ғазна шаҳрида вафот этади.

БЕРУНИЙНИНГ «КИТОБ АС-САЙДОНА» АСАРИ ҲАҚИДА

«Китоб ас-сайдона» асари тиббиётда доришунослик демакдир.

Берунийнинг эслашича, бир кун Хоразм шохларидан биттаси бетоб бўлиб қолган. Беморга, унинг касалига қарши Нишопур шаҳридан рецепт юборилган. Рецептдаги битта дори Хоразмдан топилмайди. Ниҳоят излан-

¹ А. Ирисов, А. Носиров, И. Низомиддинов, «Урта Осиёлик қирқ олим», Тошкент, 1961, 42-бет.

ган дори бир аттордан топилгач, унинг 15 дирҳамга 500 дирҳам кумуш танга тўлаб олинган. Беруний бу топиб келинган дорининг гулсавсар ўсимлигининг илдиз-пояси эканлигини англагач, у табибларга қараб «Сизлар дорини эмас, фақат унинг номини сотиб олгансизлар»¹,— дейди. У гулсавсарнинг Хоразмда барча зах жойларда ўсаётганлигини айтади.

Шундан кейин, Беруний биронта асар ёзиб, фандаги бу чалкашликларни бартараф қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Доришуносликка оид асарларни умр бўйи йиғган Беруний ўз эсдаликларида қуйидаги иккита китоб ҳақида шундай дейди: «Менинг қўлимга бир вақтда иккита китоб тушди. Бириси «Ўтлар китоби» деб аталиб, унда ҳар бир ўтнинг расми бор эди. Бу расмнинг қаршисига унинг дориворлиги ва номлари грек ҳарфи билан ёзилган. Иккинчи китоб IV асрда яшаган қадимги юнон медици Орибасининг «Довалар китоби» эди. Бу китобда дориворлик ҳақида тўғри фикрларга ишончим комил бўлганидан уни араб ҳарфи билан кўчириб чиқдим»².

Беруний қайси соҳада ишламасин, у соҳа бўйича ўзидан олдин ўтган барча олимларнинг илмий мерослари билан тўлиқ танишиб, улардан фойдаланади. Айниқса табиётшунос, географ, философ, астроном табобатга оид олимларнинг ноёб қўлланмаларини, шунингдек доришунослик соҳалари бўйича ёзилган бой материалларни чуқур ўрганади ҳамда доришунослик соҳасида умр бўйи орттирган тажрибаларини ўз асарида баён этади. Беруний доришунослик соҳасида китоб ёзишдан олдин Диоскориднинг «Доривор воситалар ҳақида», Галеннинг «Оддий дорилар ҳақида китоб», «Дориларни тайёрлаш ҳақида китоб», Сабурнинг «Акрабадин ал-кабир» китоби, Ар-Розийнинг «Фармакогнозия ҳақида китоб», «Ўрни алмаштириладиган дорилар ҳақида китоб» ва шунингдек кўпгина асарларни пухта ўрганди.

Ниҳоят, Беруний ўз умрининг охириги йилларида табобатда энг қийин соҳа бўлган доришунослик бўйича асар ёзиб, унга «Қитоб ас-сайдона — фи-т-тибб» («Табобатда доришунослик») деб ном беради.

1 У. Н. Каримов. «Қитоб ас-сайдона», («Фармакогнозия»), Беруний, Автореферат, «Фан», Тошкент, — 1971.

2 Ўша китоб.

Беруний ўз асарида ҳар бир ўсимликнинг ўсиш жойларини, баъзи бир белгиларини, шифобахш хусусиятларини, бирдан иккинчисининг фарқини, бири ўрнига иккинчисини бериш мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек, у ҳар бир доривор ўсимликнинг араб, форс, рум, турк, ҳинд ва хоразм тилларида номланишини аниқ баён қилади. Шу билан бирга олим маҳаллий доривор ўсимликлардан тўлиқ фойдаланиш кераклигини тавсия этади.

Улуғ олимнинг катта хизматларидан бири шундаки, у биринчи марта ўрта асрда шундай муҳим фикрни, яъни доришуносликнинг ўзи алоҳида фан бўлиши керак, деган прогрессив фикрни олға сурди.

Берунийнинг илмий мероси ҳозирги кунда юқори баҳоланибгина қолмай, фанда тўла тасдиқланмоқда. Буларнинг ҳаммаси шунини кўрсатадики, Беруний ўрта асрда яшаб, Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлар табобатида биринчи бўлиб ҳозирги замон фармацевтика фанини мустақил фан даражасига кўтарган ҳамда унга мустақам асос солган бу юк донишманд олимдир.

ИЛМИЙ МЕДИЦИНАДА ИШЛАТИЛАЁТГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Абужаҳил тарвузи — қовоқдошлар оиласига мансуб бўлиб, у қўп йиллик ўтсиммон ўсимликдир. Барглари юрак шаклида, узун банди билан пояда кетма-кет жойлашган, гуллари бир уйли, ясси, пишган тўпгулни ҳосил қилади. Меваси — шар шаклида, қора, ҳўл бўлади.

Ўсимлик июнь-июль ойларида гуллайди ва июль-август ойларида меваси пишади.

У СССРнинг Европа қисми, шунингдек Қримнинг гарб томонидаги районларда, Қавказда ва Ўрта Осиёда учрайди. Асосан ариқ бўйларида, ўрмон ва аҳоли яшайдиган жойларда ўсади.

Ўсимлик илдизи таркибида гликозидлар, гликозид брионин борлиги аниқланган. Ундан ташқари, смола полисахаридлар ва бошқа моддалар ҳам бор.

Ҳозирги кунда унинг илдизидан тайёрланган настойкаси акофит препаратининг таркибига қўшилади. Акофит эса оғриқ қолдирувчи, қон тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади.

Арпабодиён — соябонгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 30—60 сантиметрга етадиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Пояси тик ўсади, кўп қиррали ва уч-тўрт марта патсимон ажралган ва қини билан пояда кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари ингичка чизиқсимон ёки ипсимон, гуллари майда, сариқ мураккаб соябонга тўпланган. Меваси — қўшалоқ дончадан иборат.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси августда пишади.

Арпабодиённинг ватани Туркиядир. У Совет Иттифоқида Воронеж областида, Волга бўйида, Шимолий Кавказда, Украина ва Ўрта Осиёда ўстирилади.

Арпабодиён меваси таркибида эфир мойи борлиги аниқланган. Бу мой медицинада ва фармацевтикада кўп қўлланиладиган дори ҳисобланади. Эфир мойи таркибида анетол моддаси бўлади, у асосий таъсир қилувчи қисм бўлади.

Арпабодиён мевасидан тайёрланган препаратлар ҳамда унинг мойи ҳозирги замон медицинасида бронхит касаллигида балғам кўчирувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи, ел ҳайдовчи восита сифатида суяқ дориларга қўшиб ичирилади.

Шунингдек, арпабодиён эфир мойи яна баъзи бир дориларнинг таркибига (кўкрак элексири, нашатир арпабодиён томчиси), меваси эса ички юмшатувчи, кўкрак оғриғини қолдирувчи йиғмалар таркибига қўшилади.

Асарун — кирказондошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Барглари қишда сақланадиган узун бандли, қалин, юмалоқ — буйраксимон тўқ яшил рангли, гуллари эса оддий, қўнғир оқиш, яшил-қизил рангли бўлиб, якка-якка ҳолда барг қўлтиғидан ўсиб чиқади.

Май ойида гуллайди, июнь ойида меваси пишади. Меваси кўсакчадан иборат.

СССРнинг Европа қисмида, Фарбий Сибирь ва қисман Олтойдаги қалин ўрмонзорларда ўсади.

Асарун илдизлари ва барги таркибида 10 процент эфир мойи ошловчи, шиллик, смола ва бошқа моддалар сақланади.

Асарун баргидан тайёрланган дамлама юракнинг иш фаолиятини яхшилаш, қон томирини торайтириш ҳамда қон босимини ошириш хусусиятига эга эканлиги клиника шароитида аниқланган.

Илдизпоясидан тайёрланган кукун тумов, бош оғриғи ва шунга ўхшаш касалликларда бурнаки қилинади (бурун орқали тортилади).

Асаруннинг янги баргидан олинган ажратма акофит препаратининг таркибига қўшилади ва у қўл, оёқ ва нерв системаси оғриғини қолдириш учун ичирилади. Илдизпояси эса Здренко йиғмасининг таркибига қўшилади.

Аччиқ торон, сув қалампир, сувзамчи — торонгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 20 — 70 сантиметрга етадиган бир йиллик ўтсимон ўсимликдир. Пояси тик ўсади, бўғимли, сершоҳ. Барги оддий, пастки қисмидагилари қисқа бандли, юқори қисмидагилари эса пояда бандсиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, эгилган бошоқсимон шингилга тўпланган. Меваси ёнғоқчадан иборат.

Аччиқ торон нам ўтлоқларда, ариқ, қўл, ҳовуз, зовур бўйларида ва бошқа жойларда ўсади, айниқса у Кавказда, Сибирь, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқда кўп учрайди.

Ўсимликнинг ер устки қисмида полигопиперин гликозиди, флавоноидлар, эфир мойи, ошловчи ва бошқа моддаларнинг борлиги аниқланган.

Ўсимликдан тайёрланган доривор препаратлар (дамлама, суюқ экстракт), ҳайз кўриш бузилишида, қон кетишини тўхтатувчи дори сифатида ҳамда бавосир касаллигини даволашда ишлатилади.

Суюқ экстракт бавосир касаллигида ишлатиладиган «Анузол» шамча таркибига қўшилади.

Бангидевона — итузумдошлар оиласига мансуб, бир йиллик, ёқимсиз ҳидли, бўйи 100, баъзан 120 сантиметрга етадиган ўтсимон ўсимлик бўлиб, барги оддий, бандли, тўқ яшил, тухумсимон, йирик тишсимон қиррали ва ўткир учли, пояда кетма-кет жойлашган. Меваси — тухумсимон қаттиқ ва йўғон тиканлар билан қопланган кўсакдан иборат. Бу ўсимлик заҳарлидир.

Июнь ойидан кузгача гуллайди, меваси июлдан бошлаб пишади.

Бангидевона аҳоли яшайдиган ерларда, йўл ёқаларида, сув бўйларида, полизларда ўсади. У асосан СССР Европа қисмининг жанубий ва ўрта районларида, Қрим ҳамда Кавказда, Ўрта Осиёда учрайди. Украина ва Краснодар ўлкасида эса ўстирилади.

Бангидевонанинг ҳамма қисмида алколоидлар борлиги аниқланган. Ундан ташқари барги таркибида эфир

мойи, каротин ва ошловчи моддалар, уругида эса ёр учрайди.

Бангидевонанинг барги бронхиал астма касаллигида ишлатиладиган (чекиладиган) астматол порошогига аралаштирилади.

Бодом — атиргулдошлар оиласига мансуб, бўйи 2—5, баъзан 8 метрга етадиган дарахт.

Бодомнинг ширин ва аччиқ хиллари бўлади. Барглари ланцетсимон ёки тор эллипсимон, аррасимон қиррали, ўткир учли бўлиб, шохларида банди билан кетма-кет ёки тўп-тўп бўлиб жойлашган. Пушти рангли гуллари шохчаларда якка-якка ўрнашган. Меваси — данакли, қуруқ мева, данак ичида уруғи — мағзи бўлади.

Февраль-апрель ойларида, барг чиқармасдан олдин гуллайди, меваси эса июнь ойларида пишади.

Бодом асосан Ўрта Осиё тоғларида (Тянь-Шань, Помир-Олой, Копет-доғ), Озарбайжоннинг жанубий қисмида, жанубий Арманистонда учрайди, шунингдек, у Ўрта Осиёда, Кавказда ва Қримда кўплаб ўстирилади.

Ҳар иккала бодом уруғи таркибида 42—62 процент мой, витамин В₂, эмулсин ферменти 20 процент, оқсил 2—3 процент, қанд ва бошқа моддалар бўлади. Фақат аччиқ бодом уруғида 2,5—3,5 процент амигдалин гликозиди учрайди.

Медицинада бодом мойидан тайёрланган эмульсия ошқозон-ичак оғриқларини қолдиришда, бодом мойи эса, ич юмшатувчи дори сифатида ишлатилади. Фармацевтикада бодом мойи баъзибир дориларни эритишда ҳамда суртма дори тайёрлашда ишлатилади.

Аччиқ бодом уруғидан тайёрланган аччиқ бодом суви оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи дори сифатида қўлланилади.

Бўри меваси (Волчник, волчьи ягоды) — келин-супурғидошлар оиласига мансуб, баландлиги 75 сантиметрга етадиган бутадир. Барглари тескари тухумсимон-ланцетсимон шаклда, асос қисми бир оз торайган, қисқа банди билан шохчаларида кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, ҳушбўй, пушти рангли, барг чиқармасдан олдин пайдо бўлади ва бинафша рангдаги бу гуллар шохчалар учидан жойлашиб, гул тўпламини ҳосил қилади. Меваси — қизил данакли мевадан иборат.

Апрель-май ойларида барг чиқармасдан олдин гуллайди, июль-август ойларида эса меваси етилади.

Бўри меваси мамлакатимизнинг Европа қисмидаги ўрмонзорларда, Қавказ, Сибирь ва Байкал кўли атрофларида учрайди.

Медицинада бу ўсимлиkning пўстлоғи ишлатилади. Пўстлоқ таркибида кумарин, янги фенолгликозид дафнозид, бўёқ ва бошқа моддалар бор. Меваснинг таркибида оз миқдорда эфир мойи, аччиқ ва бўёқ моддалари учрайди.

Ўсимлик меваси билан клиника шароитида тромбоблебит (вена яллиғланиб, тромб ҳосил бўлиши)ни даволашда яхши натижаларга эришилди.

Доривор валериана (кади ўт) — валерианадошлар оиласига мансуб, бўйи 2 метрга етадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдизпояси қисқа ва кўпгина майда илдизчалар билан қопланган, ер остида тик жойлашган. Пояси тик ўсади, цилиндрсимон, барги оддий, тоқ патли, ажралган, 4—11 жуфт бўлакчалардан иборат паяда қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, ҳидли поч учидаги қалқонсимон йирик рўвакка тўпланган. Меваси — чўзиқ, тухумсимон, оч қўнғир пистадан иборат.

Май ойининг охиридан бошлаб, августгача гуллайди ва меваси пишади.

Валериана асосан нам ерларда, ўрмон ёқаларида, ариқ бўйларида буталар ва ўтлоқларда ўсади. У СССРнинг Воронеж, Москва, Новосибирск, Киров областларида, Беларуссияда ва Молдавияда ҳамда Краснодар ўлкасида ўстирилади.

Валериана ўсимлигининг илдизи ва илдизпояси таркибида 0,5—2 процент эфир мойи ва соф ҳолда изовалериана кислота ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи борнилизовалериана ва бошқа бтрикмалардан ташкил топган.

Унинг илдизи ва илдизпоясидан дамлама, настойка, эфирли валериана настойкаси, экстракт ва бошқа дори турлари тайёрланади. Валериана эфир мойи валидол препаратини олишда қўлланилади. Валериана настойкаси юрак касаллигида ишлатиладиган кардиовален препарати таркибига қўшилади, илдизи ва илдиз пояси эса нерв системасини тинчлантириш, ошқозон касалликларини даволашда дамлаб ичириладиган чойлар — йиғмалар таркибига киради.

Валериана илдиз ва илдиз поясининг доривор препаратлари нерв системасини тинчлантириш, уйқусиз-

ликда нерв қўзғалиши даврида ҳамда юрак фаолияти-
ни тартибга солишда ишлатилади.

Доривор гулхайри—гулхайридошлар. оиласига ман-
суб, бўйи 150—160 сантиметрга етадиган кўп йиллик
ўтсимон ўсимлик. Барглари пояга банди орқали кетма-
кет бириккан, юраксимон, буришган, иккала томони
ғадир-будир, 3—5—7 бўлакли, тўмтоқ, тишсимон қирра-
ли. Гуллари қисқа бандли барг қўлтиғида битта ёки ик-
ки-учтадан жойлашган, поя учида эса бошоқсимон гул
тўпламини ташкил қилади. Меваси — ясси юмалоқ,
серуруғ, қуруқ.

Июнь ойидан сентябргача гуллайди. Меваси июль
ойида пиша бошлайди.

Доривор гулхайри ариқ, кўл бўйларида, ўтлоқда,
тўқайда, буталар орасида ўсади. У Қрим, Кавказ, Фар-
бий Сибирь, Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиёда учрайди.
Украинада ўстирилади.

Гулхайри илдизи таркибида шиллиқ моддалар, крах-
мал, аспарагин ва бошқа моддалар борлиги аниқланган.

Гулхайри илдизидан дамлама, суюқ экстракт дори-
лар тайёрланади. Майдаланган илдизи эса нафас олиш
йўллари касалликларида ишлатиладиган турли йиғма-
лар таркибига қўшилади.

Доривор гулхайри илдизидан тайёрланган препарат-
лар ўраб олувчи, балғам кўчирувчи ҳамда яллиғланиш-
га қарши (айниқса болаларнинг нафас йўллари касал-
ланганда) дори сифатида ишлатилади.

Доривор Маврак (Шалфей) — лабгуллидошлар
оиласига мансуб бўлиб, унинг бўйи 20—50 сантиметрга
етадиган кўп йиллик ярим бутадир. Пояси жуда кўп
шохлайди, сербарг, барги тўрт қиррали, пастки қисми
бир оз ёғочланган. Барги оддий, узун бандли, поянинг
юқори қисмидаги барглари бандсиз бўлиб, пояда қара-
ма-қарши ўрнашган. Гуллари қисқа бандли, майда, поя
ва шохларининг юқори қисмида бошоқсимон донра
шаклидаги сохта тўпгул ҳосил қилади. Меваси ёнғоқ-
чадан иборат. Июнь-июль ойларида гуллайди, август-
сентябрда меваси пишади.

Маврак СССРда, Молдавияда, Украинада, Красно-
дар ўлкасида ва Қримда ўстирилади.

Ўсимликининг барча қисмларида эфир мойи, барги-
да эса 25 процентгача эфир мойи алкалоидлар, ошловчи
моддалар ва бошқа бирикмалар бор.

Эфир мойи таркибида 15 процентгача цинеол, туйон, пинен, борнеол, камфора, цедрен ва бошқа бирикмалар бўлади.

Доривор мавракдан дамлама, настойка, турли дорилар тайёрланади. Улар буриштирувчи, дезинфекцияловчи моддалар бўлиб, яллиғланишга қарши ишлатилади. Баъзан баргини йиғиб, дамлаб—чойга аралаштириб оғиз ва томоқ чайқалади.

Доривор окопник — говзабондошлар оиласига кирадиган, баландлиги 100 сантиметрга етадиган кўп йиллик, катта, ғадир-будир ўтсимон тукли ўсимликдир. Илдизпояси қисқа, илдизи узун, сершоҳ. Пояси ҳам шохлаган. Барги пояда кетма-кет жойлашган, шакли тухумсимон — ланцетсимон, гуллари, шохчалари охирида гажак гултўпламини ҳосил қилади. Меваси ёнғоқчадан иборат.

Май-июнь ойларида гуллайди, август-сентябрь ойларида меваси пишади.

Доривор окопник асосан нам жойларда, дарё бўйларида ва кўл атрофларида ўсади. У СССРнинг Европа қисмининг чўл зонасида, Кавказда, Фарбий Сибирнинг Жанубий қисмида кўп учрайди.

Ўсимликнинг илдизида лазіокарпин ва циноглоссин алкалоидлари аллантонин моддаси, оз миқдорда ошловчи модда, смола, шилимшиқ модда, эфир ёғлари бўлади. Ўсимликнинг янги ёғочлик қисмида циноглоссин алкалоиди ва консолиддин гликоалкалоиди борлиги аниқланган.

Доривор окопникдан тайёрланган препаратлар билан бир неча хил касалликлар даволанади. Илдиз қайнатмаси оғриқни қолдирувчи восита сифатида ҳамда йўталда, иштаҳа очувчи дори сифатида, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда ишлатилади. Баъзан унинг қайнатмаси организмнинг айрим қисми оғриганда қиздириб суртиб боғлаб қўйилади. Илдизи пластир дори таркибига қўшилади.

Илдизидан олинган аллантонин алкалоиди, малҳам дори шаклида секин битадиган йирингли яраларга суртилади. Қаллоид эритмаси ошқозон ва ўникки бармоқли ичакнинг яраларини даволаш мақсадида ичирилади.

Циноглоссин алкалоиди катта дозада қабул қилинганда, марказий нерв системасини фалаж қилиши тажрибада аниқланган.

Доривор паристерин — газандадошлар оиласига киради, унинг бўйи 50 сантиметрга етадиган, ўтсимон ўсимликдир. Барглари ланцетсимон ёки узунчоқ эллипсимон, банди пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, барг қўлтиғига зич бириккан. Меваси ёнгоқчадан иборат.

Май ва август ойларида гуллайди, сўнгра ҳосилга киради.

Доривор паристерин бегона ўт сифатида тошлоқларда ҳамда аҳоли яшайдиган жойларда ўсади, у Қрим ва Кавказда ҳам учрайди.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан алкалондлар ва флавоноид гесперидин топилган.

Доривор паристериннинг ер устки қисмидан тайёрланган настойка мерифит (тонзиллин)га аралаштириб, бодомча безларини ва ютқинч шиллиқ пардаси узоқ вақт яллиғланганда шиллиқ парданинг қуриб қолишига қарши (бошқа касалликларни даволашда) ишлатилади.

Жут — липадошлар оиласига кирадиган 3 метр баландликдаги бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Барглари кенг ланцетсимон, аррасимон шакллардаги барг бўлакчаларидан иборат. Гуллари сариқ, барг қўлтиғида зич жойлашган. Меваси — кўсадан иборат. Ўсимлик қадимдан дағал тола олиш мақсадида экилади.

Июль ойида гуллайди, сентябрда меваси пишади.

Жут Совет Иттифоқида Закавказье ва Ўрта Осиёнинг жанубий районларида ўстирилади.

Ўсимликнинг уруғида юрак гликозидларининг ҳаммаси бор. Улардан олиторизид ва корхозидлар ажратилган.

Олиторизид юракнинг иш. фаолияти пасайганида ва вақт-вақти билан юрак уриши тезлашиб кетган ёки тўхтаб қолганда ишлатилади.

Корхозид гликозида юрак қон-томирлари касаллигининг биринчи ва учинчи даражасини даволашда ишлатилади.

Игир — иткучалагулдошлар оиласига кирадиган бир паллали кўп йиллик ўсимлик. Илдизпоянинг юқори томонидан барг тўпламлар ўсиб чиққан. Барги чизиқсимон ёки қиличсимон, бўйи 60—120 сантиметр. Пояси яшил, тик ўсади, шохланмаган, уч қиррали, баргсиз, бир томони ўткир қиррали. Пояда икки жинсли сўтага

тўпланган сариқ гуллари бўлади. Меваси — чўзинчоқ, кўп уруғли, қизил, ҳўл бўлади.

Май ойининг охиридан бошлаб, июлгача гуллайди ва ҳосилга киради.

Игир асосан дарё, кўл ва ҳовуз бўйларида, кўлмак сувларда ҳамда ботқоқликларда ўсади. У СССР Европа қисмининг жанубида, Қозоғистонда (Иртиш дарёси бўйида), Сибирда, Якутияда, Узоқ Шарқда, қисман Кавказда ва Ўрта Осиёда (Ўзбекистоннинг Хоразм ва Самарқанд областларида) учрайди.

Игир илдиз пояси таркибида бир неча хил шифобахш моддалар мавжуд. Унинг илдизпоясида эфир мойи, витамин С, крахмал ва ошловчи моддалар бор.

Игир илдизпоясидан тайёрланган қайнатма ва илдиз поясининг кукуни — порошоғи медицинада аччиқ хушбўй дори сифатида иштаҳа очиш, овқат ҳазмини яхшилаш, баъзан буйрак, жигар ва ўт пуфағи касалликларини даволашда ишлатилади. Шунингдек, игирдан тайёрланган препаратлар марказий нерв системасининг фаолияти пасайганда организм тонусини кўтарувчи дори сифатида ҳам қўлланилади.

Қанақунжут — сутламагулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Барглари панжасимон 5—11 та бўлакчаларга бўлинган, тишсимон қиррали узун банди ёрдамда поя ва шохларга кетма-кет ўрнашган. Гул тўплами шингил ҳосил қилади. Гуллари кўримсиз, бир жинсли. Меваси — тикан билан қопланган, уч чаноқли ва уч уруғли кўсакдан иборат.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси сентябрь-октябрда етилади.

Қанақунжут бир йиллик ўтсимон ўсимлик сифатида Ўрта Осиё ва Шимолий Кавказда, Украинаниннг жанубий қисмида ҳамда Волга бўйидаги суғориладиган районларга экилади.

Қанақунжут уруғи таркибида жуда кўп мой, оқсил моддалар ҳамда заҳарли оқсил модда рицин ва рицинин алколоиди бор.

Қанақунжут уруғининг мойи ва мойнинг эмульсияси, ундецилен кислотаниннг 10 процентли эритмасидан тайёрланган суртма ҳамда уруғидан паста ва бошқа дорилар тайёрланиб илмий медицинада ишлатилади.

Қанакунжут мойи медицинада энг яхши сурги ҳисобланади. Шунингдек, гинекологияда ҳамда кўз касалликларини даволашда ҳам қўлланилади.

Карам — кресгулдошлар оиласига мансуб, икки йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, биринчи йили қисқа бандли бир-бирига зич ўралган барглари чиқаради. Иккинчи йили гуллаб уруғлайди. Гуллари шингилга тўпланган. Меваси серуруғ, пишганда очиладиган қуруқ қўзоқдан иборат.

У ёз бўйи гуллайди. Полиэларга экилади.

Карамнинг барги таркибида кўп миқдорда олтин-гугурт, қанд, калий ва фосфор тузлари, ёғ моддаси ҳамда турли витаминлар борлиги аниқланган.

1962 йили «қуритилган карам шираси» деб аталган препарат тавсия қилинди. Бу препарат ошқозон-ичак яраларини даволашда ҳамда овқат ҳазм қилинишини яхшилашда кунига бир-икки чой қошиғидан, ярим стакан илиқ сувга солиб, овқатдан 30—60 минут олдин истеъмол қилиш тавсия этилади.

Қатта хулла — соябонгулдошлар оиласига мансуб, бир йиллик ўтсимон ўсимликдир. Пояси тик ўсади, цилиндрсимон сершоҳ ва чизиқли. Барглари оддий, кенг ланцетсимон, атрофлари тишли, икки-уч марта қирқилган. Гуллари мураккаб соябонга тўпланган. Меваси қўшалок донча шаклида.

У Туркменистонда ва Краснодар ўлкасининг суғориладиган районларида ўстирилади.

Мевасидан фурукумарин — бергаптен ва изопимпинеллин моддалари ажратилган.

Ўсимлик мевасидан олинган фурукумарин йиғиндисидан аммифурин номли препарат тайёрланади. Бу препарат ҳозирги кунда пес ва соч тўкилишини даволашда ишлатилмоқда.

Аммифурин сариқ кристал порошок бўлиб, 0,02 граммдан таблетка ва 2 процентли спиртли эритма ҳолида чиқарилади. Песга дучор бўлган беморларга бир ва икки таблеткадан кунига уч маҳал истеъмол қилишга берилади. Шу вақтнинг ўзида 2 процент аммифурин эритмасидан терининг пес бўлган жойига суртилади ва узоқ давргача ультрафиолет нурлари ҳам берилади.

Кичик хулла — соябонгулдошлар оиласига мансуб, баландлиги бир метрга етадиган икки йиллик ўтсимон

ўсимлик. Пояси тик ўсади, цилиндрсимон, сершоҳ ва чизиқли. Барги оддий, ўткир учли бўлакчаларга ажралган, пояда қини билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари мураккаб соябонга тўпланган. Меваси — қўшалоқ дончадан иборат.

Июнь-август ойларида гуллайди, меваси август-сентябрда пишади.

Кичик хулла асосан шўр тупроқли чўлларда, қияликларда ва бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. У СССРда фақат Озарбайжонда учрайди. Шимолий Қавказда, Молдавияда ҳамда Украинанинг жанубий районларида ўстирилади.

Усимликнинг меваси ҳамда ер устки қисмининг ҳаммаси доривор маҳсулот сифатида ишлатилади. Унинг таркибидаги асосий таъсир қилувчи модда келлиндир. Усимлик меваси таркибидаги келлин 2,5 процентни ташкил этади. Бундан ташқари виснагин моддаси ва келлин гликозиди ҳам бор.

Келлин препарати 0,02 граммдан чиқарилади. У медицинада кўкрак қисиши туфайли ҳосил бўлган юрак огриғини қолдиришда, бронхиал астма касалликларини даволашда ишлатилади.

Крафс — соябонгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликдир. Барглари узун бандли, ромба шаклида. Қисқа гулбандида жойлашган гуллари мураккаб соябон гул тўпланини ҳосил қилади. Меваси — пистачадан иборат.

Июнь-июль ойларида гуллайди ва август-сентябрь ойларида меваси пишади.

Крафс воҳаларда, канал, ариқ бўйларида, туриб қолган сувларда ўсади. Айниқса Қавказда ва Ўрта Осиёда кўплаб учрайди.

Крафс барги таркибида флавоновий гликозид апигенин 0,1 процент эфир мойи, витамин С ва каротин моддаси бор. Крафедан сукапичгравеол препарати олинади ва у суюқ эритма ҳамда таблетка ҳолида чиқарилади.

Сукапичгравеол препаратининг кучли сийдик ҳайдаш хусусиятига эга эканлиги клиника шароитида аниқланган ва шу мақсадда ишлатиш тавсия этилади.

Кўкнори — кўкноридошлар оиласига мансуб, бўйи 1—1,5 метрга етадиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Пояси тик ўсади, силлиқ сербарг, одатда юқори қисми

шохлаган бўлади. Илдизолди тўп барглари қисқа бандли, элипссимон ёки ланцетсимон, узунлиги 20—30 сантиметр. Поядаги барглари кенг элипссимон, бандсиз, кетма-кет ўрнашган. Гуллари поя ва шохларининг учида алоҳида-алоҳида жойлашган. Меваси — кўп уруғли кўсакдан иборат.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси июль охирларида ва сентябрнинг бошларида пишади.

Совет Иттифоқида кўкнори плантацияси Қирғизистонда, Тянь-Шанда (Иссиқкўл атрофида) ҳамда Бошқирдистон Автоном Республикасида ташкил этилган.

Кўкноридан асосан опий олинади. Опий пишиб этилмаган кўкнори мевасининг ширасидир. Бу шира мураккаб аралашмадан иборат, унинг таркибида органик ва минерал моддалар ҳамда 2,2 процентгача алкалоидлар бор. Опий таркибида 26 хил алкалоидлар борлиги аниқланган. Унинг асосий алкалоидлари — морфин, наркотин, кодеин, папаверин ва тебаиндир. Уруғида эса 48 процент ёғ бўлади.

Кўкноридан жуда кўп дорилар тайёрланилади (порошок, ампула, таблетка, настойка ва бошқалар).

Морфин гидрохлорид қаттиқ оғриқларни қолдирувчи ҳамда оғриқ сездимовчи дори сифатида ишлатилади. Айниқса, унинг эритмаси суяк синганда ёки қаттиқ оғриқ билан ўтадиган бошқа касалликларда, операциядан олдин ва кейин тери остига юборилади.

Кодени соф ҳолда ҳамда унинг фосфорли тузи таблетка ва порошоги йўтални тўхтатиш учун ичирилади.

Папаверин гидрохлорид порошок ва таблетка ҳолда қон томирлар спазмаси касаллигини (гипертония, кўкрак қисиши, мигрен) ва бронхиал астмани даволашда ишлатилади.

Кўкнори уруғи ва ундан дорихоналарда тайёрланган препаратларни врачлар рухсатсиз ичиш ман қилинади. Чунки нотўғри ва кўп миқдорда истеъмол қилинганда морфинизм каби оғир касалликка дучор бўлинади. Морфинизм — организмнинг унга ўрганиб қолиши демакдир.

Хмель — қўлмоқ тутдошлар оиласига кирадиган кўп йиллик икки уйлик ўтсимон ўсимликдир. Илдизи этли, ўқ илдиздан иборат. Пояси тўрт қиррали, 6 метр баландликка етади. Барглари айлана шаклида, узун банди пояда қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда,

бир қопламли бошоқчага йирилган. Меваси — ёнгоқчадан иборат.

Қўлмоқ ариқ, дарё бўйларида ёввойи ҳолда ўсади. СССРнинг Европа қисмида, шунингдек Қавказда, Сибирь ҳамда Урта Осиёда ўстирилади.

Июль ойларидан бошлаб гуллайди, август-сентябрь ойларида меваси пишгач, йиғиб олинади.

Бужир таркибида эфир ёғлари, кўп миқдорда смола, алкалоид химулин ва бошқа моддалар бор.

Қўлмоқнинг қуруқ экстракти, ховалеттен препаратининг таркибига қўшилади. Бу препарат организмни тинчлантириш мақсадида ичирилади. Кейинги йилларда қўлмоқнинг гормонал таъсири ўрганилмоқда.

Мингдевона, Шайтонкоса — итузумдошлар оиласига кирадиган икки йиллик, сертук, бадбўй ўтсимон ўсимлик. Илдизолди барглари чўзиқ тухумсимон ёки эллипсоидсимон, патсимон ўйилган. Поядаги барглари бандсиз, чўзиқ тухумсимон, патсимон кесилган йирик тишли бўлиб, пояда кетма-кет жойлашган. Сарик гуллари поя ва шохларининг юқори қисмидаги барг қўлтиғида жойлашиб, бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси — косачага ўралган, икки хонали, кўп уруғли кўсакдан иборат.

У ёз бўйи гуллайди ва мева беради.

Мингдевона йўл ёқаларида бир вақтлар аҳоли яшаб, бўй ётган ва ўтлоқларда ҳамда бегона ўт сифатида экинзорлар орасида ўсади. Фармацевтика саноати учун эса у Украина, Шимолий Қавказ, Қуйбишев ҳамда Воронеж областларида етиштирилади. Ҳозирги кунда мингдевона таркибидан алкалоидлар ажратиб олинган. Уруғида ёғ моддаси борлиги аниқланган.

Мингдевонанинг ер устки қисмидан қуюқ ва қуруқ экстракт дори тайёрланади ҳамда ундан мой олинади. Барги эса бронхиал астма касаллигида чекиладиган порошок астматол таркибига қўшилади.

Мингдевона препаратлари медицинада оғриқ қолдиришда ва турли спазматик ҳолатларда ишлатилади. Унинг мойи хлороформ билан аралаштириб (суяқ суртма ҳолида) ревматизм ва невралгия касалликларида мускулларнинг оғриган жойга суртилади.

Нилуфар, нилфия — нилуфардошлар оиласига кирадиган йирик илдизпояли, сув устида сузиб юрвчи йирик баргли кўп йиллик сув ўсимлигидир. Барглари буй-

раксимон ёки чўзиқ-думалоқ. Гуллари оқ, йирик, бир оз очилган, сув устида айрим-айрим ҳолда бўлади. Меваси — тухумсимон, этли ҳўл мевадан иборат.

Май — сентябрь ойларида гуллайди ва меваси пишади.

СССРнинг Европа қисмидаги кўлларда ва сув ҳавзаларида ўсади.

Ўсимлик илдизпоясининг таркибида 20 процентгача, уруғида эса 47 процентгача крахмал сақланади. Ундан ташқари, алколоидлар йиғиндиси — нуфарин, гликозидлар, дубил моддаси бор.

Нилуфар алкалоидларининг қон босимини пасайтириш хусусияти клиника шароитида аниқланган. Ўсимликнинг илдиз пояси эса Здренко йиғиндиси таркибига қўшилади. Бу йиғинди ошқозон-ичак ярасида, ошқозон шиллиқ қавати яллиғланганда, ёмон шишли яраларда ичдан ичирилади.

Нуфар — нилуфардошлар оиласига мансуб, кўп йиллик сув ўсимлиги. Барглари узун бандли, эллипсимон, пастки қисмдагилари сув остида бўлади, юқоридагилари эса сув устида зич ҳолда сузиб юради. Гуллари сариқ, ўткир ҳидли. Меваси — шар шаклидаги ҳўл мевадан иборат.

Июнь ойидан сентябргача гуллайди ва ҳосилга киради.

У асосан секин оқадиган ва оқмайдиган сувларда, кўлларда ўсади.

Нуфар илдизпоясидан нуфарин номли алкалоидлар ажратиб олинган. Ундан ташқари, илдизпоясида крахмал, сахароза, ошловчи ва бошқа моддалар борлиги аниқланган. Уруғида 44 процентгача крахмал бўлади.

СССР соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги фармакология комитети томонидан 1962 йили Лютенурин номли препарат қабул қилинди. Бу препарат нуфар илдизпоясидаги алкалоидлар йиғиндиси ҳисобланади. У суюқ эритма ҳолида ҳамда эмульсия шаклида чиқарилади ва жинсий аъзоларнинг трихомонад касалликларини даволашда ишлатилади. Ундан ташқари, лютенурин ҳомилдорликка қарши шарик ва таблетка шаклида ишлатилади.

Оддий арча — сарвигулдошлар оиласига мансуб, бўйи 1—3 метрга етадиган икки уйли, доим яшил бута. Барги бандсиз қаттиқ, нина шаклида, пояда учта-учта

дан жойлашган. Арча икки уйли бўлганидан оталик ва оналик қуббалари иккита ўсимликда алоҳида-алоҳида тараққий этади. Оталик қуббалари бандсиз, оналик қуббалари қисқа бандли бўлади. Қуббалар пишиб етилгандан сўнг қораяди. Мева иккинчи йили пишади. Ўсимликда хом ва пишган қуббалар бўлиши мумкин.

Май ойида гуллайди, меваси эса иккинчи йилнинг октябрь-ноябрь ойларида пишади.

У СССРнинг Европа қисмидаги нина баргли ва аралаш ўрмонларда, Ғарбий Сибирнинг ботқоқликларида ўсади.

Тайёр маҳсулот қуритилган юмалоқ қуббалардан (шишка) иборат, унинг таркибида 0,5—2 процент эфир мойи, 40 процент қанд, 9,5 процентгача смола, «Юниперин» бўёқ моддаси ва бошқа моддалар бор. Арча барги таркибида эса 0,18 процент эфир мойи ва витамин С ошловчи моддалар бор.

Баргидан дамлама, эфир мойидан суртма дорилар тайёрланади, шунингдек, қуббаси эса сийдик ҳайдайдиган йиғмалар таркибига қўшилади.

Бу препаратлар сийдик ҳайдовчи дори сифатида, сийдик йўлларини дезинфекция қилишда, балғам кўчирувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшиловчи восита сифатида ишлатилади. Эфир мойининг эритмаси ва ундан тайёрланган дори бод касалликларига қарши териға суртилади. Арча баргидан олинган эфир мойи фитонцид таъсирга эга. Шу сабабдан у трихомонад калпитда қўлланилади.

Розмарин — лабгулдошлар оиласига мансуб, баландлиги 1,5 метрга етадиган доимо кўм-кўк, зич шохлаган бутадир. Барглари узунчоқ-чизик, пояда қарама-қарши жойлашган. Баргларининг пастки томонидан ўзида жуда кўп эфир ёғлар сақловчи туклар бор. Гуллари барг қўлтиғида жойлашган шиңгил гултўпламини ҳосил қилади. Меваси — ёнғоқчадан иборат.

У февраль ойидан майгача гуллайди ва июнь ойида мевага киради.

Розмарин Совет Иттифоқининг Европа қисмида ҳамда Шимолий Кавказда ва Қримнинг Жанубий қирғоқларида маданий ҳолда ўстирилади.

Ўсимликнинг барги ва ёш шохчалари таркибида 1,2 процент эфир мойи ва 0,5 процентгача алкалоидлар

йиғиндисини мавжуд. Бу алкалондлар йиғиндисидан розмарин ажратилган.

Розмариннинг ёғочлик қисмидан олинган эфир мойи малҳам дори формасида, қуруқ оғриқларни даволашда оғриган жойга суртилади.

Рўян — рўяндошлар оиласига мансуб, 150 сантиметр баландликдаги кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдиз-пояси узун, сершоҳ, судралиб юрувчилар қаторига киради. Барглари ланцетсимон, бандсиз, пояда ҳалқа-ҳалқа бўлиб жойлашган. Гуллари майда, мураккаб шингил гул тўпламини ҳосил қилади. Меваси бир-икки данакли ҳўл мевадан иборат.

Июнь-август ойларида гуллайди ва август-сентябрь ойларида эса мевага киради.

Рўян СССРнинг жанубий қисмида ва Ўрта Осиёда ёввойи ҳолда ўсади.

Унинг илдизпояси таркибида оксиантрахинон моддаси ва унинг қатор ҳосилалари эркин ҳолда ҳамда гликозид шаклида учрайди. Илдизпоясининг қуруқ экстрактини 1957 йили ВИЛАР томонидан илмий медицинада ишлатишга тавсия этилди. Ундан таблетка (0,5 граммдан) тайёрланади. Бу препарат буйракдаги тошни йўқ қилишда, ўтнинг иш фаолиятини яхшилашда, қуруқ оғриқларни қолдиришда ичирилади. Ундан ташқари экстракти буйракдан тош операция қилиб олингандан кейин профилактик тадбир сифатида қўлланилади.

Сариқчой, далачой, далачўп — қизилпойчадошлар оиласига мансуб, баландлиги 30—100 сантиметрге етadиган ўтсимон ўсимлик. Илдизпояси ва илдизи сершоҳ бўлади. Пояси бир нечта, тик ўсади, юқори қисми шохланган. Барги оддий, пояси бандсиз қарама-қарши жойлашган. Гуллари тилла ранг, сариқ қалқонсимон рўвакка тўпланган. Меваси — уч хонали, серуруғ, пишганда очиладиган кўсакчадан иборат.

Июнь-июль ойларида гуллайди, август-сентябрда мевага киради.

Сариқчой йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедапояларда, ўрмонларда, ўрмон четларида, буталар орасида ўсади.

СССРнинг Европа қисмида ҳамда Ғарбий Сибирнинг ўрмон, чўл зонасида, Кавказда, Ўрта Осиёда учрайди.

Сариқчойнинг ер устки қисми таркибида 10—12 про-

цент ошловчи модда, 0,1—0,4 процент гиперини, бўёқ моддалар, флавоноидлар, каротин, витамин С ва бошқа моддалар борлиги аниқланган.

Ер устки қисмидан дамлама, настойка, суюқ экстракт ва бактерицид препарат иманин каби дорилар тайёрланади. Бу препаратлар медицинада ошқозончак (ич кетиш), оғиз бўшлиғи (гингивит ва стоматит) касалликларини ҳамда II ва III даражали куйганларни даволашда ишлатилади. Баъзан милкни чайқашда ҳам қўлланилади.

Иманин препарати порошок ва суртма дори сифатида йиринглаган яраларга, куйган, чипқон ва бошқа йирингли процессларни даволашда ишлатилади.

Сафроўт — сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб, баландлиги 60 сантиметрга етадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Барглари ланцетсимон, пояда қарама-қарши жойлашган. Гуллари битта-биттадан узун банди билан барг қўлтиғига бириккан. Меваси — серуруғ, тухумсимон кўсакдан иборат.

Май-август ойларида гуллайди ва мевага киради.

Сафроўт намлик ўтлоқларда, чўлларда, СССРнинг жанубий қисмидаги ўрмонзорларда ўсади. Урта Осиё ва Закавказьеда, Ғарбий Сибирда ҳам учрайди.

Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида грациозид ва грационтоксин гликозидлари бор. Улардан ташқари, 0,2 процент алкалоидлар борлиги аниқланган.

Сафроўтнинг ер устки қисми Здренко йиғиндисининг таркибига қўшилади. Шунингдек, унинг ер устки қисмидан тайёрланган настойка юрак иш фаолияти пасайганда уни нормаллаштириш учун ишлатилади. Илдизидан тайёрланган қайнатма эса қустириш, ични сурувчи ва сийдик ҳайдовчи модда сифатида ишлатилади.

Сачратқи — мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 30—100 сантиметрга етадиган бир йиллик ўтсимон ўсимликдир. Илдизолди тўп барглари тухумсимон, чўзиқ, патсимон кесилган ва узун бандли, поядаги барглари лентасимон, йирик тишсимон ёки текис қиррали, кетма-кет ўрнашган. Ҳаво ранг тилсимон гуллари саватчаларга тўпланган. Меваси — писта шаклида.

У СССРнинг суғориладиган республикаларида, бегона ўт босган далалардаги экинлар орасида ўсади.

Июнь ойдан бошлаб совуқ тушгунича гуллайди ва мева тугади.

Усимликнинг янги ер устки қисмидан тайёрланган дамлама бош оғриғини қолдиришда, мушакларни тарағ тортилиши касаллигини даволашда ичирилади. Баъзан ёш болаларнинг тана мушакларини ихтиёрсиз қисқариб қолишида ҳам ичирилади.

Чучук мия, қизил мия, ширин мия — дуккакдошлар оиласига мансуб, бўйи 50—100, баъзан 150 сантиметрга етадиган ер остки қисми кучли тараққий этган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Ер остки органлари кучли тараққий этган. Илдиз пояси кўп бошли, калта ва йўғон. Пояси бир нечта, тик ўсади, барги тоқ патли, мураккаб, уч-етти жуфт баргчалардан ташкил топган. Барги элипссимон, чўзиқ тухумсимон ёки ланцетсимон, текис қиррали, ёпишқоқ безлар билан қопланган. Гуллари барг қўлтигидан чиққан шингилга тўпланган. Меваси — пишганда очилмайдиган дуккак шаклида.

Июнь-август ойларида гуллайди, меваси август-сентябрда етилади.

Чучук мия шўр тупроқли ерларда, чўллардаги ариқ, канал ва дарё бўйларида, қумликларда, бегона ўт сифатида экин майдонларида ўсади. У асосан Ўрта Осиёнинг чўл ва даштларида, Қозоғистонда, Шимолий Кавказда, Закавказьеда ҳамда СССРнинг Европа қисмининг жанубида ўсади.

Чучук мия илдизининг таркибида 23 процентгача глицеррин бор. Глицеррин гликозидларга ўхшаш модда бўлиб, тритерпен сапонинларга киради. У қандга нисбатан 40 марта шириндир. Илдизида глицерриндан ташқари ликвиритин, ликвиритозид, ликвиритон флавоноидлари, эфир мойи ва бошқа моддалар бор.

Чучук мия илдизидан бир неча хил дорилар олинган. Ундан қуруқ ва қуюқ экстрактлар, шарбат, илдизидан порошок, яна у ички юмшатувчи чой-йиғмалар таркибига ҳам қўшилади.

Ўсимликлардан тайёрланган бу дорилар нафас йўллари касалланганда балғам кўчирувчи, сурункали қабзиятда эса енгил сурги дори сифатида ичирилади.

Фармацевтикада унинг порошоғи хаб дори тайёрлашда асос сифатида ҳамда микстуралар, чой-йиғмалар таъмини яхшилашда чучук мия порошоғи кенг қўламда қўлланилади.

Шафтоли— атиргулдошлар оиласига кирадиган, бўйи 3—5, баъзан 8 метрга етадиган дарахт. Барглари

элипссимон — ланцетсимон ўткир учли, аррасимон қир-
рали, банди ёрдамида поя ва шохларда кетма-кет ўр-
нашган. Гуллари пушти, қизил, баъзан оқ бўлади. Ме-
васи — тухумсимон, чўзиқ элипссимон ва турли рангда.

Март-апрель ойларида (барг чиқармасдан олдин)
гуллайди, меваси июнь-сентябрда пишади.

Шафтоли ҳамма ерда ўстирилади.

Шафтоли уруғи (мағзи) таркибида 57 процент ёғ
амидалин гликозид, мевасида каротиноидлар, 15 про-
центгача қандлар, 12—20 миллиграмм процент витамин
С, органик кислоталар, эфир мойи ва бошқа моддалар
бор.

Шафтоли мойи фармацевтикада амалда суюқ сурт-
ма дорилар тайёрлашда ва баъзибир дориларни эри-
тишда бодом мойи ўрнида ишлатилади.

Эркак папоротник — чинпапоротникдошлар оиласига
мансуб, кўп йиллик, юқори спорали ўтсимон ўсимлик.
Илдизпояси қисқа, илдизлари майда йўғон, қорамтир
тангача барглар билан қопланган. Ер устки қисмида
пояси бўлмайди. Барги қўшпатсимон ажралган. Барги-
нинг умумий кўриниши чўзилган элипссимон, ўткир
учли, узунлиги 1 метр ва ундан ошиқроқ. Барглари
кузда ҳазон бўлиб тушиб кетади. Ёз охирида иккинчи
тартиб барг бўлақларининг орқа (пастки) томонидан
ўртадаги томirlари бўйлаб икки қатор жойлашган
юмалоқ бўртмалар (соруслар) пайдо бўлади. Соруслар
ичида бир қанча споронгиялар ўрнашган. Споронгиялар
ичида споралар етишади. Споронгия ёрилгач, етилган
споралар шамолда учиб кетади. Бу ўсимлик асосан спо-
ралар орқали кўпаяди. Споралар эса август ва сентябрь
ойларида етилади.

Эркак папоротник СССРдаги барча салқин ўрмон-
ларда, буталар орасида, нам жойларда ва Ўрта Осиё-
нинг тоғлиқ районларида учрайди.

Ўсимликларнинг илдизпояси таркибида 3—4 процент
хом филицин, унинг таркибида 3,5 процент филикс, 2,5
процент флаваксид кислоталар бор. Улардан ташқари
эфир мойи, флавоноидлар, ошловчи моддалар, ёғ, крах-
мал, сахароза ва бошқа моддалар сақлайди.

Илдиз поясидан тайёрланган қуюқ экстракти хаб
дори шаклида баъзан желатин капсуласида лентасимон
гигжаларни ҳайдаш учун ишлатилади. Шунингдек қу-
руқ экстрактдан тайёрланган филиксин таблеткаси ҳам

лентасимон гижжаларни ҳайдаш учун беморларга бериллади. Бу препаратларни истеъмол қилгандан сўнг бир ярим, икки соат ўтгач ич сурадиган туз ичилади. Сурги сифатида канакунжут мойи ҳамда ёғ ва ёғлиқ овқатларни емаслик керак, акс ҳолда доривор препаратнинг заҳарли ва кучли таъсир этувчи моддалари ёгда эриб танага шимилади, натижада одам заҳарланади.

Эрман — мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 50—100 сантиметрга етадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Пояси тик ўсади, бир оз қиррали, юқори қисми шохланган. Илдизолди барглари учбурчак ёки юмалоқ шаклда, ўртадагилари патсимон ажралган, юқоридагилари эса уч бўлакли. Гуллари майда, сариқ, саватчага тўпланган. Меваси — ўткир учли, қўнғир рангли писта шаклида.

Июль-август ойларида гуллайди, сентябрда эса уруглайди.

Эрман аҳоли яшайдиган жойларда, йўл ёқаларида, ўтлоқларда, ўрмон четларида, сув бўйларида ва экин майдонларида, бегона ўт сифатида ўсади. У, айниқса СССРнинг Европа қисмида, Кавказда, Ғарбий Сибирда, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда кўп учрайди.

Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида 0,5—2 процент эфир мойи (абсинтол), аччиқ глюкозидлар ва бошқа моддалар бор.

Эрманнинг ер устки қисмидан дамлама, настойка, қуруқ экстракт дорилар тайёрланади. Бу препаратлар иштаҳа очувчи ва ўт ҳайдовчи аралашмалар, чойлар таркибига, ошқозон касалликларида ишлатиладиган таблеткаларга қўшилади.

Ўрик — атиргулдошлар оиласига мансуб, бўйи 5—8, баъзан 17 метрга етадиган дарахт. Барглари юраксимон, юмалоқ ёки тухумсимон, ўткир учли, аррасимон қиррали, узун банди билан пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари йирик, оқ-пушти рангли, меваси — ширин, мазали, серсув, данакли.

Март-апрель ойларида (барг чиқармасдан олдин) гуллайди, меваси июнь-августда пишади.

Совет Иттифоқида кенг тарқалган ўсимликлардан бири ўрик дарахтидир. У асосан Ўрта Осиё, Кавказ ва бошқа районларда, айниқса кўп ўстирилади.

Фармацевтика саноатида ўрик елими қўлланилади. Унинг елими таркибида арабин моддаси бўлиб, у модда

галактоза, арабиноза глюкозон кислотаси ҳамда минерал ва оқсил моддалардан ташкил топган.

Урик елими чет элдан келтириладиган гуммиарабик ўрнида эмульсия тайёрлашда эмульгатор сифатида ишлатилади. Шунингдек, ўрик елими қон томирига юбориладиган физиологик эритма тайёрлашда ҳам гуммиарабикнинг ўрнини босади.

Қалампир ялпиз — лабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 30—100 сантиметрга етадиган қўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Пояси бир оз тик ўсади, тўртқиррали, туксиз. Барги оддий, чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, қирраси ўткир, аррасимон. Барглари пояда қисқа бандлари билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, қизил—бинафша ранг, поя ва шохлар учуда зич жойлашган бошоқсимон гул тўпламини ҳосил қилади. Меваси — косача барг билан бирлашган тўртта ёнғоқча.

Июнь ойининг охиридан бошлаб, сентябргача гуллайди.

Қалампир ялпиз икки хил, яъни қора ва оқ бўлади. Оқ қалампир ялпизнинг поя ва томирлари оч яшил, қора қалампир ялпизнинг поя ва томирлари эса қизил—бинафша рангда.

Совет Иттифоқида қора қалампир ялпиз ўстирилади. У асосан Украинада, Краснодар ўлкасида, Воронеж областида, Белоруссияда ва Молдавияда ўстирилади. Совет селекционерлари томонидан қалампир ялпизнинг 541 сонли янги нави етиштирилди. У совуққа чидамли, замбуруғ касалликларига чалинмайди ҳамда ментол берадиган серҳосил турдир.

Қалампир ялпизнинг барги таркибида 24—27 процент, гул тўпламида эса 4—6 процент, поясида 0,3 процент эфир мойи мавжуд. Унинг 541 сонли янги нави таркибида 4 процент эфир мойи бор. Эфир мойи таркибида асосан 41—65 процентгача ментол, 9—25 процент ментон ва бошқа моддалар бўлади. Қалампир ялпиз барги таркибида эфир мойидан ташқари, 40 миллиграмм процент каротин моддаси ҳам бор.

Қалампир ялпиз баргидан кўпгина дорилар тайёрланади. Баргидан дамлама, эфир мойидан ялпиз суви, настойка, ментол, мигрен қалами, валидол ва бошқа дорилар тайёрланади. Ментол, ингофен таркибига ҳам қўшилади.

Қалампир ялпиз баргидан тайёрланган препаратлар

эфир мойндан тайёрланган ялпиз суви ва пастойкаси кўнгил айнашни қолдиришда ва қайт қилишга қарши ҳамда овқат ҳазм қилиш процессини яхшилашда ишлатилади. Яна ялпиз суви оғиз чайқаш ва микстуралар таъминини яхшилаш учун ҳам қўлланилади.

Эфир мойндан ажратиб олинган ментол қулоқ, бурун нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғригини қолдиришда ишлатилади. Ментолдан бош оғригини қолдирадиган мигрен қалами тайёрланади.

Юқорида номлари баён этилган ўсимликлар қадим замонлардан бери турли касалликларни даволашда кенг фойдаланилганлиги ҳамда уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаганлиги кўриниб турибди.

На узбекском языке

Хамид Холматов, Ражаб Сабиров

БЕРУНИИ О ЦЕЛЕБНЫХ РАСТЕНИЯХ

Издательство «Узбекистан»—1973— Ташкент

Отпечатано в типографии издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент, «Правда Востока» 26

Редактор Э. Содикхўжаева
Тех. редактор С. Собирова
Корректор Д. Дададжанова

Теришга берилди 2/VIII-1973 й. Босишга рухсат этилди 28/III-1974 й.
Формати $84 \times 108 \frac{1}{2}$. № 2. Босма листи 1,0. Шартли бос. л. 4,68,
Нашр листи 1,52. Тиражи 14562. Р—09388. «Ўзбекистон» нашриёти,
Тошкент, Навоий, 30. Шартнома № 240-73.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси,
Тошкент, «Правда Востока» 26. Заказ № 3025. Ваҳоси 6 т.

Х 72 Холматов Х. ва Собиров Р.

Беруний доривор ўсимликлар ҳақида. Т.,
«Ўзбекистон», 1973.

30 б.

І. Автордош.

Холматов Х. и Сабиров Р. Беруний о це-
лебных растениях.

615.9

№ 173—74

Навойи номли УзССР

Давлат кутубхонаси.

х $\frac{5-3-2}{M 351} \frac{136}{[06] 73} 60-74$